

Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

32 -маъруза

Трансчегаравий сув объектлари.

Дунёдаги машхур

трансчегаравий дарёлар.

Трасчегаравий сувлардан

хамкорликда фойдаланиш

Маматов Собитжон Алижонович,

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш”

кафедрасининг катта ўқитувчиси

Режа

1. Сув объектлари. Трансчегравий дарёлар.
2. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий асослари. БМТ Конвенциялари.
3. Трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича халқаро келишувлар ва шартномалар.
4. Орол денгизи ҳавзаси трансчегаравий дарёлари ва уларни сувидан ҳамкорликда фойдаланиш.

Дарёлар ва уларнинг турлари

Дарёлар - сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган **табiiй сув оқимлари** (*дарё, сой, жилға ва бошқалар*).

- ✓ **Дарёлар** одатда тоғли ҳудудлардан бошланиб, ўз сувлари билан доимий равишда текислик минтақалари томон ҳаракатланади. Бу ҳаракат давомида уларнинг сувлари ёки истеъмолга ишлатилади ёки бориб бошқа сув объектларига қуйилади.
- ✓ Дарёлар давлатлараро ҳаракатланувчи - **трансчегаравий** ёки бир мамлакат ичида ҳаракатланувчи - **ички** бўлиши мумкин.

Трансчегаравий дарёлар

- **Трансчегаравий дарёлар** - икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ер усти сув оқимлари.
- Жаҳонда икки ёки бир неча давлатлар ўртасида умумий фойдаланиладиган **263** трансчегаравий дарё ҳавзалари мавжуд.
- Дунёда ишлатилаётган чучук сув ресурсларининг **60 фоизи** трансчегаравий дарёлар сув захираларига тўғри келади.
- Дунё ялпи ички маҳсулотининг **40 фоизи** трансчегаравий дарёлар ҳавзаларида яратилади.

Йирик трансчегаравий дарёлар

Дунёда узунлиги 1000 км дан ортиқ бўлган трансчегаравий дарёларнинг сони **79** та.

Трансчегаравий дарёларнинг энг машҳурлари:

- Амазонка дарёси ҳавзаси **7** та давлатлар ҳудудида жойлашган;
- Нил ва Дунай дарёлари **10** ва ундан ортиқ давлатлар ҳудудларини кесиб ўтади;
- Амударё дарёси ҳавзаси **5** та давлат, Сирдарё дарёси ҳавзаси **4** та давлат ҳудудида жойлашган.

АМАЗОНКА дарёси

Амазонка дарёси
7 та давлат
ҳудудидан
оқиб ўтади.



НИЛ дарёси

Нил дарёси 11 та давлат (Миср, Судан, Жанубий Судан, Эфиопия, Эритрея, Танзания, Уганда, Руанда, Бурунди, Кения, Конго) чегараларидан оқиб ўтади.



ДУНАЙ дарёси

Дунай дарёси 12 дан ортиқ давлат ҳудудидан оқиб ўтади.



КОЛОРАДО дарёси

Колорадо дарёси 2 та давлатлар (АҚШ, Мексика) чегараларидан оқиб ўтади.



Орол денгизи хавзаси



Орол денгизи хавзасининг асосий дарёлари



Орол денгизи ҳавзаси ва Ўзбекистон дарёларининг сув ресурслари

- ✓ Орол денгизи хавзасининг сув ресурслари асосий икки дарёлар – **Амударё** ва **Сирдарё** дарёлари хавзаларига тўғри келади.
- ✓ **Амударё** ва **Сирдарё** дарёлари хавзаларининг умумий ўртача йиллик сув оқими **116,0 км³** ни, шу жумладан Амударё хавзасида – **79,4** ва Сирдарё хавзасида – **36,6 км³/йил** ни ташкил этади.
- ✓ **Ўзбекистон Республикасининг** ўз ички (дарёлари) сув ресурслари **11,47 км³** ни, шу жумладан, Амударё хавзасида – **4,82** ва Сирдарё хавзасида – **6,65 км³/йил** ни ташкил этади.

Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишда муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Умумий тартибни белгиловчи конвенциялар;
2. Сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича келишувлар;
3. Икки томонлама келишувлар;
4. Ҳавзалар тизимидаги шартномалар.

1. Умумий тартибни белгиловчи конвенциялар

- 1. БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК)нинг “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси (Хельсинки, 1992 й);**
- 2. БМТнинг “Халқаро сув оқимларидан кема қатновисиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция”си (Нью-Йорк, 1997 й);**

БМТ ЕИК Конвенциясининг (Хельсинки, 1992 й.) асосий мақсадлари

- 1. Трансчегаравий сувларни (ҳам ер усти, ҳам ер ости) ифлосланишдан сақлаш (чегаралаш, камайтириш) орқали муҳофаза қилиш;**
- 2. Трансгаравий сувларни экологик асосланган тарзда оқилона бошқариш;**
- 3. Трансгаравий сувлардан ақл билан ва адолатли фойдаланиш;**
- 4. Экотизимларни сақлаш ва қайта тиклаш.**

БМТ КОНВЕНЦИЯСИНИНГ (1997 й.)

асосий қоидалари

- халқаро сув оқимининг бир қисми ҳудудида жойлашган мамлакат бошқа қўшни мамлакатларга сезиларли зиён етказмаслиги керак;
- халқаро сув оқимидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик “адолатли ва ақл билан ёндашув” асосида амалга оширилиши лозим.

2. Сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича келишувлар

1. Ҳиндистон ва Бангладеш ўртасидаги Келишув (1996 й.);
2. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Республикалари ўртасида имзоланган “Сув манбаларидан фойдаланишни бошқариш ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Битим (Олма-ота, 1992 й.).
3. МДҲ давлатлари трансчегаравий сув объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликнинг асосий тамойиллари тўғрисида Келишув (Москва, 1998 й.).

Орол денгизи ҳавзасида сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишни бошқариш тизими

2018 – 2020 гг.
Фонд Президенти
Туркменистон
Республикаси
Президенти

Орол денгизини қутқариш
халқаро фонди (МФСА)
(Тошкент, 1993 й.)

Қозағистон
Қирғизстон
Тожикистон
Туркменистон
Ўзбекистон

Фонд хайъатида
ҳар мамлакатдан 1 кишидан

Ревизия комиссияси
(мамлакатдан 1 кишидан)

И Ж Р О И Я О Р Г А Н Л А Р И

Барқарор
ривожланиш
Комиссияси (МКУР)

Ижроия органлари
(ҳар мамлакатдан 2 кишидан)
Ашхабод ш.
(ИК МФСА)

Давлатлараро
сув хўжалигини
Мувофиқлаштириш
Комиссияси (МКВК)

Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш Комиссиясининг (МКВКнинг) ташкилий тузилмаси

Раис

Мажлислар
ўтказилишига
қараб ҳар чоракда

ДСХМК

Аъзолар

Аъзо мамлакатлар
Сув хўжалиги
органларининг
масъул раҳбарлари

И Ж Р О И Я

О Р Г А Н Л А Р И

Котибият
Хўжанд ш.

Амударё ҲСБ
Урганч ш.

Сирдарё ҲСБ
Тошкент ш.

ДСХМК ИАМ
Тошкент ш.

Мувофиқлаштирувчи
Метеорологик марказ (**МММ**)
Бишкек ш.

3. Икки томонлама келишувлар

1. Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида сув хўжалиги масалаларида ҳамкорлик қилиш бўйича Келишув (Чоржўй, 1996 й.);
2. Испания и Португалия ҳукуматлари ўртасидаги Альбуфейра Конвенцияси (1998 г.);
3. Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида Чуй ва Талас дарёларидаги давлатлараро сув хўжалиги иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича Келишув (Астана, 2000 й.).

4. Дарё ҳавзаси тизимидаги шартномалар

1. “Ҳинд дарёси сувлари тўғрисида” (Ҳиндистон ва Покистон ўртасида 1960 йилда имзоланган келишув);
2. Дунай дарёсини муҳофаза қилиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича (1948 йилда имзоланган конвенция);
3. Меконг дарёсини барқарор ривожлантириш бўйича (1995 йилда имзоланган келишув);
4. Рейн дарёсини муҳофаза қилиш бўйича (1998 йилда тузилган конвенция);
5. Нил дарёси бўйича (1999 йилда имзоланган келишув).

Чегара низоларини олдини олишга қаратилган шартномалар

1. Трансчегаравий Ла-Плата дарёсининг юрисдикцияси бўйича Уругвай ва Аргентина ўртасида 1919 йилда имзоланган Келишув;
2. Уругвай дарёси ҳавзасидаги баҳсли ороллар бўйича келишмовчиликларни тўхтатиш, барча баҳсли саволларни ҳал этувчи, қайта кўриб чиқувчи ва тавсиялар берувчи техник комиссия тузиш тўғрисида Уругвай ва Аргентина ўртасида 1938 йилда имзоланган Шартнома

Сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишнинг миллий қонуний асослари

- ✓ Козоғистон Республикасининг Сув Кодекси, 1993 йил,
- ✓ Қирғизстон Республикасининг Сув тўғрисидаги қонуни, 1994 йил,
- ✓ Тожикистон Республикасининг Сув Кодекси, 1993 йил,
- ✓ **Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни» 1993 йил,**
- ✓ Туркманистон Республикасининг Сув кодекси 1972 йил хозиргача амалда.

Сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишнинг миллий қонуний асоси

Ўзбекистон Республикасининг

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни (1993 йил 6 майда қабул қилинган)

Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2009 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонунига асосан 3 та Кодекс ва 9 та Қонунларга, шу жумладан, **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига** ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистоннинг фойдаланиши учун ажратилган улуш


*Сирдарё (1983) ва Амударё (1984) дарёлари ҳавзалари
сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг
Бош схемалари бўйича*

Дарё ҳавзаси	Ўзан	Ирмоқлар	Жами	Ер ости сувлари	Зовур сувлари	Жами
Сирдарё	10,49	9,2	19,69	1,59	4,21	25,49
Амударё	26,92	6,98	33,9	1,00	2,63	37,53
Жами	37,41	16,18	53,59	2,59	6,84	63,02


Сирдарё ва Амударё ҳавзалари умумий сув ресурсларини давлатлараро тақсимланиши

Давлатлар	Жами, км ³ /йил	шу жумладан, км ³ /йил	
		Сирдарё	Амударё
Ўзбекистон	56,19	17,28	38,91
Қирғизистон	4,41	4,03	0,38
Қозоғистон	12,29	12,29	
Тожикистон	12,34	2,46	9,88
Туркменистон	21,73		21,73
Афғонистон	7,44		7,44
Жами	114,4	36,06	78,34

Ўзбекистон фойдаланадиган сувларнинг 80 % и қўшни давлатлар ҳудудида шаклланади



Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида шаклланадиган сув ресурслари 11,47 км³/йил





Russia

Kazakhstan

Uzbekistan

Turkmenistan

Afghanistan

Pakistan

Kyrgyzstan

China

CASPIAN SEA

Орол денгизи

Туямўйин сув омбори

Чордара сув омбори

Қайроқум сув омбори

Тўхтагул сув омбори

Андижон сув омбори

Нурек сув омбори

КМК


Аму-Занг

АБМК

Қорақум канали

Таримсан

Амударё дарёси ва ирмоқлари



Орол денгизи

Амударё

ТеҶжен

Мурғаб

Шерободдарё

Сурхондарё

Кофирнихон

Сагнарардак

Тупаланг

Оксув

Танхоз

Зарафшон

Матча

Магиендарё

Вохш

Обихингоу

Кизилсу

Муксу


Бартанг

Панж

Обихумбоу

Кундуз

Сирдарё дарёси ва ирмоқлари



Орол денгизи ҳавзасидаги мавжуд сув омборлари ва уларнинг сув йиғиш имкониятлари

умумий сони	шу жумладан			
	давлатлараро		мамлакат ички	
	сони	умумий ҳажми, млн.м ³	сони	умумий ҳажми млн.м ³
59	5	40610	54	17351

Амударё ҳавзасидаги йирик сув омборлари

№	Сув омбори	Дарё	Тўғон баландлиги, м	Хажми, млн. м ³	
				тўла	фойдали
1	Нурек	Вахш	300	10500	4500
2	Роғун	Вахш	335	13300	8600
3	Сангтуда 1	Вахш	75	258	18
4	Байпазин	Вахш	75	220	20
5	Таллимаржон	Амударё (ҚМК)	35	1525	1400
6	Тўдакўл	Амударё (АБМК)	12	1200	600
7	Каттақўрғон	Зарафшон	32	900	840
8	Жанубий Сурхон	Сурхондарё	30	800	700
9	Чимқўрғон	Қашқадарё	33	500	450
10	Тўпаланг	Тўпаланг	180	500	470
11	Қуюмозор	Зарафшон	23	310	263
12	Пачкамар	Ғузордарё	71	260	250
13	Шўркўл	Зарафшон	14	170	153
14	Ҳисорак	Оксув	139	170	162
15	Учқизил	Сурхондарё	12	160	80
16	Оқтепа	Сурхондарё	14	120	100
17	Оқдарё	Зарафшон	20	112	110
18	Туямўйин	Амударё	34	7800	5270

Сирдарё ҳавзасидаги йирик сув омборлари

№	Сув омбори	Дарё	Тўғон баландлиги, м	Хажми, млн. м ³	
				тўла	фойдали
1	Тўқтоғул	Норин	215	19500	14000
2	Тошкўмир	Норин	75	140	10
3	Курпсой	Норин	113	370	35
4	Қамбарота 1	Норин	275	4650	3430
5	Баҳри тожик	Сирдарё	32	4160	2600
6	Фарҳод	Сирдарё	27	350	20
7	Андижон	Қорадарё	115	1750	1600
8	Каркидон	Исфайрам	70	219	211
9	Косонсой	Косонсой	64	165	155
10	Охангарон	Охангарон	100	198	195
11	Туябўғиз	Охангарон	34	250	224
12	Чорвоқ	Чирчик	168	2000	1580
13	Пском	Пском	195	528	486
14	Жиззах	Санзор	20	100	96
15	Чордара	Сирдарё	27	5700	4700

Ўзбекистоннинг ҳудудидаги сув етказиб бериш (суғориш) тизимлари

Кўрсаткич	Узунлиги, минг км			
	Жами, минг км	шундан		
		бетон қопламали	ер ўзанли	лоток
Барча каналлар	195,53	21,85	149,49	21,29
шундан: хўжаликлараро	27,99	9,74	18,26	
хўжаликлар ички	167,54	12,11	131,23	21,29

Сув етказиб беришга хизмат қилувчи иншоотлар

Гидротехник иншоотлар

кўрсаткичлар		дона
Барча гидротехник иншоотлар		92090
шундан,	дарёларда	28
	ирригация тизимларида	92062
шундан,	хўжаликлараро тармоқларда	17845
	хўжалиklar ички тармоқларида	74217

Насос станциялари

Умумий сони	Агрегатлар сони	Сув сарфи м ³ /с	Умумий сув кўтариш қобилияти, км ³ /йил	Эл.энергия сарфи, млн.кВт.с
1620	5118	7070	28,77	7409,2